

# АРАБ ТИЛИДА ТУШУМ КЕЛИШИГИ: АСОСИЙ ҚОИДАЛАР ВА МИСОЛЛАР

Сайфиева Замира Норовна

*Тошкент Давлат Шарқиунослик Университети*

*Араб тили филологияси 2-курс талабаси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада араб тили грамматикасининг асосий бўлимларидан бири бўлган тушум келишигидаги исмлар (мансуботлар) батафсил ёритилган. Ҳар бир мансубот тури учун таъриф, грамматик қоидалар ва аниқ мисоллар келтирилиб, уларнинг жумла маъносида тутган ўрни очиқ берилган. Шунингдек, эъробнинг омиллари, феъл–исм муносабати ва ҳар бир мансуб исмнинг насбда бўлиш сабаблари ҳам таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тушум келишиги, тўлдирувчи, ундалма, эъроб, мансуботлар, ҳол.

**Abstract .** This article examines one of the fundamental sections of Arabic grammar, namely the accusative nouns (al-mansubāt). Each type of accusative noun is explained through clear definitions, grammatical rules, and illustrative examples, highlighting their role in conveying the meaning of the sentence. The study also analyzes the factors affecting case endings, the relationship between verbs and nouns, and the reasons behind the accusative state of each noun.

**Key words:** accusative case, object (grammatical), vocative, i‘rab (arabic grammatical inflection), possessive constructions, adverbial. II

**Кириш.** Араб тили грамматикаси (نحو) қоидалари - араб тилининг негизини ташкил этувчи энг муҳим асослардан биридир. Ушбу мақолада араб тили грамматикасининг тушум келишигидаги отлар, яъни мансуботлар ҳақида, шунингдек эъробларнинг омиллари туғрисида фикр юритамиз, ва мисоллар билан шарҳлашга киришамиз. Араб грамматикасида флексия яъни эъроб

(إعراب) келишик тушунчаси муҳим рол уйнайди. Араб тилида исм сўз туркумига кирувчи сўзларда 3 хил келишик бор: نصب - бош келишик, رفع - тушум келишиги ва جر - қаратқич келишиги.

Насб ҳолати араб тили синтаксисининг муҳим унсурларидан биридир. Абдурахмон Жомийнинг “Фавоидуз зиёийя” асарида муаллиф томонидан тушум келишигидаги исмлар ( **мансуботлар** ) 2 қисмга ажратилган: асл ва аслга ўхшаш тушум келишигидаги исмлар. Асл мансуботлар 5 та ва булар тўлдирувчилар дейилади. Бу мансуботлар феъл бошқарувида бўлиб, феълни тўлдириб, кучайтириб, сабабини билдириб, вақт ва маконини ифодалаб келади. Бу тўлдирувчилар қуйидагилардир:

1. مفعول به
2. مفعول مطلق
3. مفعول فيه
4. مفعول له
5. مفعول مع

Ва қуйида зикр қилинадиганлари эса аслга ўхшаш насб исмлардир:

1. الحال
2. المثنئي
3. التمييز
4. المنادي
5. خبر كان
6. اسم إن

Кўриб турганимиздек, тушум келишигидаги исмларнинг аҳамияти, ҳаракат ва унинг объекти ўртасидаги нозик боғлиқликни ажрата олиш жуда муҳимдир. Қуйида мансуботларни батафсил ёритишга киришамиз:

1. Мафъулун биҳи – مفعول به воситасиз тўлдирувчи. Иш ҳаракат бажарувчи ( فاعل ) нинг феъли унинг устига тушган исмдир.

Тўлдирувчи феъл ифодалаган иш ҳаракатни мазмунан тўлдириб, кимни?, нимани?, кимдан?, нимадан?, кимга?, нимага? сўроқларига жавоб бўладиган исмлардир.

Масалан: ضرب محمد فريداً Мухаммад Фаридни урди. Буерда ضَرَبَ - феъл, مُحَمَّدٌ - феълни бажарувчи фоил, فريداً - мафъулун биҳи. Ва мафъулун биҳи доим насб ўқилади.

إذا تغيرت الصورة الفعل حُظِفَ الفاعلُ والمفعول به ينوب عنه

Агар жумлада феълнинг суврати ўзгартирилса (мажҳул феълга айланса), бунда фоил хазф килинади ва мафъулун биҳи хазф қилинган фоил ўрнига ўтади.

ضَرَبَ مُحَمَّدٌ فَرِيدًا - ضَرَبَ فَرِيدٌ

Мажҳул феълдан кейин келган исм мафъулун биҳи дейилмайди. Энди бу исм ноибни фоил дейилади.

2. Мафъулун мутлақ — مفعول مطلق феълни тушунтирадиган ва таъкидлайдиган тўлдирувчидир. Феълнинг масдари гап таркибида келади ва шу феълдан англашилган маънони кучайтиради. Кўпинча масдар билан феъл бирхил бўлади ва шу сабабли Масдари мутлақ ҳам деб аталади.

Масалан : حَفِظَ مُحَمَّدٌ الْكِتَابَ حَفْظًا Мухаммад китобни яхши ёдлади. Буерда حَفِظًا калимаси мафъулун мутлақ. حَفِظَ феълнинг масдари. Гапда Мухаммад эҳтимол китобни ёдламагандир, ўқигандир деган гумонни кетказиш ва феълни кучайтириш учун келди.

المفعول مطلق: إسم يذكر بعد الفعل لتأكيد، أو لبيان نوعه، أو عدده

Мафъулун мутлақ феълни таъкидлаш учун, навини билдириш учун, ададини билдириш учун келади. Масалан: نَفَعَ الْكِتَابُ نَفْعًا - Бу мисолда نَفَعَ феълнинг таъкиди учун келган.

اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا Бу мисолда ذَكَّرَ феълнинг навини бидириш учун келган.

دَقَّتِ السَّاعَةُ دَقَّتَيْنِ Бу мисолда دَقَّتَيْنِ феълнинг ададини билдириш учун келган.

Айрим холларда мафъулун мутлақ феъли хазф қилинган ҳолатда ҳам келади: قَدِمْتُ قُدُومًا مَبَارَكًا ( аслида قَدِمْتُ - хуш келибсиз قُدُومًا مَبَارَكًا ).

Араб граматикасида мафъулун мутлақ ўз феъли билан бирхил эмас, хархил бўлиши ҳам учрайди. Масалан: **فَعَدْتُ جُلُوسًا**

3. Мафъулун фиҳи – **مفعول فيه** ўрин пайт ҳоли. Феъл содир бўлган замон ёки маконни билдирадиган тушум келишигидаги исмдир.

Масалан **قرأت الكتاب صباحًا** امام المعلم - Китобни тонгда муаллимнинг олдида ўқидим. Ушбу мисолда **صباحًا** ва **أمام** сўлари мафъулун фиҳи ҳисобланади.

Араб тили граматикаси қўлланмаларида мафъулун фиҳи зарф ( **الظرف** ) деб ҳам номланади. Ва қуйидаги 2 навга бўлинади :

1. **ظرف الزمان** -- Зарфи замон. Иш ҳаракат бажарилиш пайтини билдирувчи сўзлар. Пайт ҳоли дейилади ва улар қуйидагилардир :

**صباحًا، مساءً، فجرًا، ظهرًا، عصرًا، عشاءً، غداً، بكرةً، يومًا، اليوم، ليلةً، الليلة، الآن، لحظةً.**

2. **ظرف المكان** – Зарфи макон. Улар иш – ҳаракат бажарилиш ўрнини билдирувчи сўзлардир. Ўрин ҳоли дейилади ва улар қуйидагилардир:

**امام، خلف، قدام، وراء، فوق، تحت، اعلي، اسفل، يمينًا، شمالًا، يسار، بين، حول، شطر، حذاء.**

Юқорида зикр қилинган зарфлар қачонки -да ( **في** ) маъносида келса мафъулун фиҳи ҳисобланади ва насб ўкилиши лозим бўлади.

Агар –да ( **في** ) маъносини ўз ичига олмаса бу сўз мафъулун фиҳи бўлмайди ва жумладаги ўрнига қараб эъробланади **يوم الجمعة يومٌ سعيدٌ**

4. Мафъулун лаҳу – **المفعول له** Мақсад сабаб ҳоли.

**إسم يذكر بعد الفعل لبيان سبب حصول الفعل الفاعل**

Феълнинг содир бўлиш сабабини ва мақсадини билдирадиган мансуб исмдир.

Масалан: **زين البيت إكرامًا للضيوف** Бу мисолда **إكرامًا** мафъулун лаҳу, яъни **زَيْن** иш ҳаракатининг юзага келиш сабабини билдирыпти.

**المفعول له من المصَادِرِ الْقَلْبِيَةِ التي تَنْبُعُ من القلبِ أي تَعْتَمِدُ علي العاطفة**

Мафъулун лаҳу кўпинча туйғуларни ифодаладиган қалб феълларининг масдарларидан иборат бўлади .

Масалан: **أملًا، حبًا، رغبةً طاعةً تقديرًا، وفاءً، إيمانًا، خشيةً، إخلاصًا، إطمئنانًا، ابتغاءً،**

5. Мафъулун маъаху – **المفعول معه** билан маъносидаги тўлдирувчидир. Биргаликда бажарилган ҳаракатни ифодалайди ва у ( **مع** ) маъносидаги вав ( **و** ) дан сўнг келади.

Масалан **ولد الطفل و طُوعَ الشمس** Бола қуёш чиқиши билан туғилди. Бу мисолда **طُوعَ** калимаси мафъулун маъаху бўлиб, насб ўқилади.

عامل النصب في المفعول معه هو الفعل و ما يعمل عمل الفعل

Мафъулун маъахуни насб қиладиган омиллар :феъл ёки феълнинг вазифасини бажара оладиган бирор нарса (исми фоил, масдар, исми мафъул) булиши мумкин.

■ Феъл омил бўлишига  
мисол **سرت و شاطئ البحر**

■ Масдар омил бўлишига  
мисол: **يُغْجِبُنِي سَيْرُكَ وَ طُوعَ الشمس**

■ Исми фоил омил бўлишига мисол **سائرًا وَ طُوعَ الشمس** : أنا

■ Исми мафъул омил бўлишига мисол **مسروقةً وَ طُوعَ الشمس** : السيارة

6. **Феъл** **الحال** **إِسْمٌ نَكْرَةٌ مَنْصُوبَةٌ** таври ҳолати баён қилган насб исмдир. **Хол** – **الفعل** – бажарилаётганда эгасининг ҳолатини баён қилган насб исмдир.

Масалан **التلميذُ الي المدرسة مُسْرِعًا ذَهَبَ** :Ўқувчи мактабга шошилиб кетди. Бу мисолда ( **مُسْرِعًا** ) лафзи ўқувчининг феъл бажарилаётган вақтдаги ҳолатини кўрсатади ва насб ўқилади. **التلميذ** лафзи **соҳибул ҳол** ( **صاحب الحال** ) дейилади.

Ҳоҳида фоил, ҳоҳида мафъул, ҳоҳида ҳар икаласи бирга соҳибул ҳол булиши мумкин.

• Соҳибул ҳол фоил бўлишига мисол : **قرأ محمدٌ الدرس قائمًا**

• Соҳибул ҳол мафъул бўлишига мисол: **شرب أمين الماء رائقًا**

• Фоил ва мафъул бирга соҳибул ҳол : **قابل زيدٌ عمرًا مسرورين**

Ҳол ( **الحال** ) доим **ноаниқ** ( **نكرة** ) ҳолатда бўлади: **جاء المعلمُ راکبًا**

Соҳибул ҳол эса доим **аниқ** ҳолатда ( **المعرفة** ) бўлади: **جاء المعلمُ راکبًا**

7. Мустасно - المستثنى истисно юкламасидан сўнг зикр қилинган исм бўлиб ўзидан олдиндаги исмга ҳукмда муҳолиф бўлади.

Масалан: خرج التلاميذ من الكتاب إلا فريدًا. Ҳуқуқчилар мактабдан чиқдилар, фақат Фарид чиқмади. لا юкламасидан сўнг зикр қилинган Фарид да олдинги خَرَجَ фелининг ҳукмида ҳилоф бўлади, яъни ҳамма чиқди Фарид эса чиқмади.

إنما يجب نصبه ، إذا ذُكرَ مستثنى منه ، و كان الكلام مثبتاً

Агар жумлада мустасно минҳу зикр қилинган бўлса, ҳамда жумлада инкор маъноси бўлмаса ушбу ҳолатда мустасно насб бўлади.

يُنْفَضُ كُلُّ شَيْءٍ بِالْإِنْفَاقِ إِلَّا الْعِلْمُ

Ушбу мисолда ( إلا ) истисно, ( العلم ) мустасно, ( كل شيء ) мустасно минҳудир.

Шу сабабли ( العلم ) лафзи насб бўлади.

و إذا لم يذكر المستثنى منه كان المستثنى علي حسب ما يقتضيه موضعه في التركيب

Агар жумлада мустасно минҳу зикр қилинмаса, ( إلا ) дан кейинги лафз гапдаги вазифасига мувофиқ эъробланади. Масалан: لا أُخْزِرُهُ إِلَّا الْعَالَمُ Бу жумла инкор маъносида ( منفي ) бўлгани боис العالم калимаси мафъулун биҳи эканига кўра насб қилинади.

لا أَشْتَعِلُ إِلَّا بِالنَّافِعِ Бу мисолда эса жумла манфий бўлгани боис ( إلا ) дан кейинги лафз қаратқич келишигида ( جر ) ўқилади. Чунки жумлада ( ب ) кўмакчи билан келган.

8. Тамийз - التمييز Аниқлаштирувчи. Жумладаги тахмин қилинган ноаниқликни кетказадиган исмдир.

Масалан: اشتريت عشرين كتاباً Мен 20 та китоб сотиб олдим. Бу мисолда ( ) лафзи тамиздир. Чунки бу сўз йигирмадан мақсад нима эканини баён қилиб келган. Бу грамматик категория фақат араб тилида мавжуд. Тамиз доим от бўлади ва гапда **ноаниқ** ( نكرة ) ҳолатида бўлади: أَنَا أَصْغَرُ مِنْكَ مَالًا

9. Мунодо – المنادي Ундалма. Нидо учун махсус ҳарфларнинг бири сўнгидан тушиб, чақирилган кишининг чақирувчига ва унинг сўзига диққат қилиши талаб қилинган исмдир.

Масалан, يَا طَالِبَ الْعِلْمِ ، يَا رَسُولَ اللَّهِ Эй илм толиби, эй Росулulloх.

Неъматулло Иброхимов ўзининг “Араб тили граматикаси” китобида мунодо ҳақида шундай ёзади “Ундалма ( المنادي ) гап бўлаги ҳисобланмайди ва гапдаги бошқа бўлақлар билан муносабатга киришмайди. Араб тилидаги ундалма гапнинг бошида, ўртасида, охирида келиши мумкин.”

Нахв фани уламолари нидо ҳарфларини 5 та деб эътироф этадилар:

يَا ، أَيَا ، هَيَا ، أَيَّ ، أ

- Агар ундалма накраи мақсуда ( муаййан бир зот қасд қилинган ) бўлса бош келишик ( رفع ) да бўлади تَلْمِيذٌ لَا تَلْعَبُ يَا :  
يا : تَلْمِيذٌ لَا تَلْعَبُ
- Агар ундалма накраи ғойри мақсуда ( муаййан бир зот қасд қилинмаган ) бўлса, ундалма тушум келишигида бўлади يَا غَافِلًا انتبه :  
يا غَافِلًا انتبه
- Агар ундалма изофа бўлмаган муфрад исм бўлса, бу ҳолатда мунодо тушум келишигида бўлиши шарт қилинмайди: يَا مُحَمَّدُ اقْرَأ :  
يا مُحَمَّدُ اقْرَأ
- Агар ундалма изофа шаклида бўлса, изофанинг музоф қисми тушум келишигида келади: يَا عَالَمَ الْأَسْرَارِ :  
يا عَالَمَ الْأَسْرَارِ

10. Афъоли ноқисанинг хабари - бу ноқис феъллар мубтадо ( مبتدا ) ва хабар ( خبر ) га кириб мубтадони роф қилади хабарни насб қилади.

Масалан, ليس الظالم محبوبًا - золим севимли эмас, كان البرد شديدًا - бўлди.

Афъоли ноқиса киришидан олдин ушбу кўринишда бўлган:

الظالمُ محبَّبٌ ، البردُ شديدٌ

Биринчи исм كانнинг исми, иккинчи исм эса كانнинг хабари дейилади. Кана ва унинг ўхшашлари : أصبح ، أمسى ، أضحى ، ظل ، بات ، ما برح ، ما زال ، ما فتئ ، مانفك ، ما دام ، صار ، ليس

11. Ҳуруфи мушаббаҳа бил-феълнинг исми – الحروف الناصخة Ушбу ҳарфлардан сўнг икки исм келиб аввалгиси насб қилинади ва инна ( إن ) нинг исми дейилади. Иккинчиси роф қилинади ва инна إن () нинг хабари дейилади. Масалан, إن محمدًا مجتهدٌ ، لعل أباك حاضرٌ

إن، كأن، لكن، ليت ، لعل : ва унинг ўхшашлари

إن ва كان хар иккаласи мубтадо ва хабарга киради. إن мубтадони, كان эса хабарни ҳаракатини ўзгартиради.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, араб тилида тушум келишиги кенг қўлланилади. Ўзбек тилига таржима қилинаётганда мансуботларнинг хусусиятларига ва турларига эътибор бериш жуда муҳимдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Raxmonov, A. (2025). MUTARRIZIYNING “RISALATUN FIN-NAHV” ASARIDA TIL O‘QITISH USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 5(20), 126-130.
2. Рахмонов, А. К. (2025). АБУЛФАТҲ БУРҲОНИДДИН НОСИР МУТАРРИЗИЙ–ЎРТА АСР ШАРҚ ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЁРҚИН НАМОЁНДАСИ. *Oriental Journal of Philology*, 5(3), 549-560.
3. MUTARRIZIYNING “RISOLATUN FIN NAHV” ASARI MO‘JAZ GRAMMATIKMANBA.(2025). *Barqaror Taraqqiyot Va Rivojlanish Tamoyillari*,
4. 3(4),85-88. <https://uzresearchers.com/index.php/BTRT/article/view/2528>
5. NOSIR AL-MUTARRIZIY MEROSIDA TARJIMA NAZARIYASI VA DIDAKTIKASI: “RISALATUN FIN-NAHV” ASARI VA ZAMONAVIY TARJIMA TA’LIMI INTEGRATSIYASI. (2025). *SCIENCE TIME*, 3(5), 150-155. <https://doi.org/10.66345/stj.v3i5.4640>
6. Prakashan, A. Central Asia: Literary Cultural Scenario and Hindi.
7. Jo‘rayeva, M. A. “SHARHI MULLO” A RARE SOURCE.
8. Fatilloyev, M. (2025). “MU’JAMU-L-UDABO” DA MOVAROUNNAHR OLIMLARI HAQIDA MA’LUMOT. *Oriental Journal of Philology*, 5(3), 645-654.
9. Raximjonov, M. (2023). Al-Farg ‘oniyning falakiyot haqidagi qarashlari. *Alfraganus*, (2 (2)), 28-33.
10. Nugmanovich, R. M. Methods of Working on the Text in Uzbek Language Lessons. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(10), 234-237.

11. Tursunaliyeva, M. A. (2025). OGAHIYNING “GULSHANI DAVLAT” ASARIDA HAMD VA NA’T QISMLARINI BERILISHI. *Oriental Journal of Philology*, 5(3), 618-627.
12. Fatilloev, M., & Sh, S. (2020). Linguopoetic Analysis Of The Arabic Lexical Unit" Malak" In The Epic" Hayrat Ul-Abrar" By Alisher Navai. *THE AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE AND EDUCATION INNOVATIONS* Учредители: The USA Journals, 2(9), 493-498.
13. Xodi o‘g‘li, M. I. (2025, October). SAIDBEK HASANOV TAHLILIDA O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTINING ZAMONAVIY TALQINI. In *Conferences* (Vol. 1, No. 2, pp. 360-363).
14. Raxmonov, A. K. (2024). *Mutarriziy va uning “Nahv risolasi”*. In *Sharq tillari tadqiqi va ta’limi muammolari: Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari* (pp. 211–214). Oriental University.
15. Raxmonov, A. K. (2025). *Nosir al-Mutarriziyning “Risalatun fin-nahw” asarida grammatik kategoriya talqini va uning o‘zbek tilshunosligidagi muqobillari*. In *Ilm-fan muammolari tadqiqotchilar talqinida: Respublika ilmiy konferensiyasi materiallari* (pp. 136–139). Alfraganus University.
16. Raxmonov, A. K. (2025). *Nosir al-Mutarriziyning “Risalatun fin-nahw” asarining Fransiya Milliy kutubxonasida saqlanayotgan qo‘lyozma nusxalari: Tekstologik va metodologik tahlil*. *Oriental Journal of Philology*, 6(I3), 588–599. <https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-06-I3-60>
17. Jurayeva, N., Küçük, S., Soyer, A., & n Kaba, H. (2025). Xorazm Shevalari O‘g‘uz Lahjasi Leksikasida Murakkab Tarkibli Dialektal Birliklarning O‘rni.
18. Jurayeva, N. (2025). HOSIYAT BOBOMURODOVA SHE’RIYATINING POETIK XUSUSIYATLARI. *Indexing*, 1(1), 91-95.
19. Gulmuradovna, J. N. (2025). XORIJIY TILLARNI O‘RGANISHDA TIL KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH. *Indexing*, 1(1), 86-90.